БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 37 (5328).

13 Февраль, 1984 й.

ДУШАНБА.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

**ЮРИЙ ВЛАДИМИРОВИЧ АНДРОПОВ КОММУНИСТЛАРНИНГ, БАРЧА СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ХОТИРАСИДА МАРКС-ЭНГЕЛЬС- ЛЕНИН ТАЪЛИМОТИГА АСТОЙДИЛ САДОҚАТЛИ, ПРИНЦИПИАЛ ВА КАМТАРИН, МЕҲНАТ АҲЛИГА МЕҲРИБОН, УЛАРНИНГ ТАЛАБ ВА ЭҲТИЁЖЛАРИГА СЕЗГИР, ҲАММА НАРСАНИ СОЦИАЛИСТИК ВАТАН МАНФААТЛАРИГА БЎЙСУНДИРИШГА МАҲОРАТЛИ ИНСОН БЎЛИБ АБАДИЙ САҚЛАНИБ ҚОЛАДИ.**

(КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатидан).

# Юрий Владимирович АНДРОПОВ

## МОСКВА Ю. В. АНДРОПОВ БИЛАН ВИДОЛАШМОҚДА

Москва чуқур мотамда. Майдонларда ва кўчаларда мотам лентали қизил байроқлар қуйи эгилган. Москваликлар Юрий Владимирович Андропов билан видолашмоқдалар.

12 февраль куни эрта тонгдан пойтахтнинг ҳамма районларидан чиққан кишиларнинг кети узилмас колонналари марҳумнинг жасади солинган тобут қўйилган Союзлар уйининг Колонна залига кела бошлади.

Завод ва фабрикаларнинг ишчи ва хизматчилари, муассасалар ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг ходимлари, фан ва маданият арбоблари, ҳарбий хизматчилар, дала ва фермаларнинг меҳнатчилари, ўқувчи ёшлар чуқур қайғу билан ўтмоқдалар. Улар партия билан халқнинг бирлигини янада мустаҳкамлашга, ривожланган социализм жамиятини такомиллаштиришга, халқ фаровонлигини оширишга, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган инсонга чуқур ҳурмат бажо этадилар.

Шу куни Красная Пресня районининг меҳнаткашлари Колонна залидан биринчи бўлиб ўтадилар. Бу район ўзининг революцион ва меҳнат анъаналари билан шуҳрат қозонган. Красная Пресня Ленин типидаги раҳбар, оташин ватанпарвар, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи инсон хотирасини эъзозлайди.

— Қайғу-аламимизни ифодалаш учун сўз топиш қийин, — дейди «Трехгорная мануфактура» комбинатининг ремонтчи слесари Г. П. Козлов. — Юрий Владимирович Андроповнинг ҳаёти — партия ва халқ манфаатларига, улуғ Ленин ишига садоқат билан хизмат қилиш намунасидир. Партиянинг иродаси билан Ю. В. Андропов меҳнат қилган ҳамма лавозимларда у ўзининг бутун кучи, билимини, жуда катта ҳаётий тажрибасини партия сиёсатини амалга оширишга, Ленин ғояларининг тантанаси учун курашга бағишлади. Биз КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз. Бу ҳужжатда бизнинг фикри-зикримиз ва орзу-умидларимиз ифодаланган. Партия билан халқнинг бирлиги куч-қудратимизнинг манбаи бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади.

... Тобут қўйилган супача ёнида, Колонна залининг деворлари остида, Союзлар уйининг фойесида юзлаб гулчамбарлар турибди. Улар орасида Ставрополь ўлкаси, Шимолий Осетия АССР, Карелия АССР, Ярославль области коммунистлари ва меҳнаткашлари номидан келтирилган гулчамбарлар бор. Юрий Владимирович Андроповнинг илк ҳаёт йўли шу жойлар билан боғлиқ бўлганлиги учун бу жойлардаги коммунистлар билан меҳнаткашлар уни яхши биладилар.

Одамлар оқимининг кети кўринмайди. Колонна залига турли авлод ва тақдир кишилари, турли хил касб намояндалари бирин-кетин кириб келадилар. Юрий Владимирович Андроповнинг хотираси уларнинг ҳар бири учун азиздир.

— Ю. В. Андропов ўзининг бутун умрини совет халқига, улуғ коммунизм ишига тўла-тўкис бағишлади, — дейди Лихачев номидаги заводнинг цех бошлиғи Н. И. Биков. — Барча совет кишилари каби москваликлар ҳам партиянинг КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга оширишга қаратилган қатъий йўлини Юрий Владимировичнинг тинимсиз фаолияти билан боғлиқ деб биладилар. У халқ манфаатларини жуда яхши билар ва тушунар эди. Бизнинг севикли Ватан равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатимиз Ю. В. Андропов хотирасини энг яхши тарзда эслаш бўлади.

— Ю. В. Андропов совет фанини ривожлантиришга доимо эътибор бериб келди, — деди СССР Давлат стандарти Бутуниттифоқ стандартлаштириш илмий-тадқиқот институтининг ходими, биология фанлари кандидати В. С. Лекарев. — У партия билан Совет давлатининг етук социализмни такомиллаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўлини ишлаб чиқишда буюк роль ўйнади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони композитор Т. Н. Хренников ўз фикрларини ўртоқлашади.

— Энди Юрий Владимирович орамиздан кетган бир пайтда, — деди у, — у қисқа вақт ичида мамлакат учун, халқ учун нақадар кўп иш қилишга улгурганини, айниқса равшан ҳис этасан, киши. Интизомни мустаҳкамлаш йўли меҳнаткашларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари тўғрисидаги ғамхўрлик билан бирга қўшиб олиб борилди. Биз, санъат арбоблари Юрий Владимировичнинг бизга, бизнинг ишимизга катта эътибор берганини ҳамиша сезиб турдик. Бизнинг вазифамиз бундан буён ҳам коммунизм бинокори бўлмиш совет кишисини мадҳ этувчи асарлар яратишдан иборат.

...Мотам куйлари таралади. Фахрий қоровул ҳар уч минутда алмашиниб туради. СССР Олий Советининг депутатлари, иттифоқдош республикалар Олий Советларининг депутатлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорлари, космонавтлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари тобут ёнидаги вахтада турадилар.

Ю. В. Андропов КПСС билан Совет давлати ташқи сиёсатининг изчил тинчликсевар йўлини рўёбга чиқаришга кўп куч сарфлади.

— Тинчлик — улуғвор режаларимизни бажариш учун энг асосий шартдир, — дейди геолог Г. М. Хабалов. — Юрий Владимирович Андропов ўз Баёнотларида ва бошқа чиқишларида партиянинг ялпи тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим амалий ташаббусларини баён этди ва шу ташаббусларни актив ҳимоя қилди.

Москва области дала ва фермаларининг меҳнатчилари залга кириб келадилар. Улар орасида механизаторлар, сут соғувчилар, чорвадорлар, деҳқонлар — СССРнинг Озиқ-овқат программасини бевосита амалга ошираётган кишилар бор. Ю. В. Андропов шу программани рўёбга чиқариш учун кўп иш қилди.

Совет Қуролли Кучларининг жангчилари мотамона сукут сақлаб ўтадилар. Колонналарда солдатлар, учувчилар, денгизчилар, билим юртларининг курсантлари, академияларнинг тингловчилари ва муаллимлари бор.

— Ю. В. Андропов СССР Мудофаа Кенгашига бошчилик қилар экан, — дейди М. В. Фрунзе номидаги ҳарбий академиянинг катта муаллими полковник Е. П. Миленин, — СССР Қуролли Кучларини ривожлантириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилди. Биз ваъда бериб айтамизки, совет жангчилари Ватанимизнинг мудофаа қудратини ҳамиша лозим бўлган даражада сақлаб турадилар.

Москва ва Бутун Русь патриархи Пимен ва рус православие черкови олий руҳонийларининг бошқа намояндалари Ю. В. Андроповнинг порлоқ хотирасига ҳурмат бажо этдилар.

Партия Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига, оммавий ахборот воситаларининг редакцияларига шу кунларда келаётган кўпдан-кўп телеграмма ва хатларда совет кишилари чуқур қайғу изҳор этиш билан бирга Ватаннинг ютуқларини фидокорона меҳнат билан кўпайтиришларини билдирмоқдалар.

«Мамлакатимиз улуғ фарзандининг ҳаёти ва фаолияти мен, ишлаб чиқариш илғори учун партия, халқ ишига садоқат билан хизмат қилиш намунаси бўлди, — деб ёзади Магадан областидан Октябрь Революцияси ордени кавалери Надежда Еттнеут. — Барча совет кишилари каби мен ҳам мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш учун куч-қувватимни аямайман, бутун билимим ва тажрибамни партия билан ҳукуматнинг қарорларини турмушга татбиқ этиш учун, планлар ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун сарфлайман».

Одессалик Даниленколар оиласи шундай телеграмма йўллаган: «Улуғ ленинчи Юрий Владимирович Андроповнинг вафот этганини эшитиб бутун оиламиз астойдил қайғурди. Барча совет халқи каби биз ҳам бутун Ер юзида тинчлик учун курашган инсоннинг порлоқ сиймосини дилимизда сақлаймиз».

...Москванинг меҳнат аҳли Юрий Владимирович Андропов билан ярим тунгача видолашди. Коммунистик партия, давлатимиз, ҳар бир совет кишиси мотам тутмоқда. Шу қайғули кунларда Совет Иттифоқи коммунистлари, барча меҳнаткашлари партиянинг ленинчи Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси теварагида янада маҳкамроқ жипслашмоқдалар. Коммунистик партия билан совет халқининг бузилмас бирлиги — жамиятимиз кучи ва қудратининг манбаидир.

(ТАСС).



Москва Юрий Владимирович Андропов билан видолашмоқда.

В. ЕГОРОВ ва В. МАСТЮКОВ телефотоси. (ТАСС—ЎзТАГ).

## ХАЛҚҚА БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ

**Коммунистик партия билан совет халқи оғир жудоликка учради. КПСС ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Юрий Владимирович Андропов вафот этди. Мамлакатнинг ҳамма томонларида ўтказилаётган мотам митингларида меҳнаткашлар социалистик Ватаннинг оташин ватанпарвари, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи хотирасини чуқур ҳурмат билан эъзозламоқдалар.**

**Митингларнинг қатнашчилари барча совет кишилари ленинчи Коммунистик партия теварагида ўз сафларини яна ҳам маҳкамроқ жипслаштиришларини, ўзларининг синфий онглилигини ва уюшқоқлигини, юксак коллективчилик фазилатларини янги куч билан намоён этишларини, улуғ социалистик Ватаннинг янада равнақ топишини фидокорона меҳнат билан таъминлашларини билдирмоқдалар.**

Серго Орджоникидзе номли Москва «Станоксозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси. Бош корхонанинг 17-йиғув цехи мотам либосида. Машҳур ишчилар коллективининг вакиллари шу цехга йиғилдилар.

СССР Давлат мукофоти лауреати токарь Е. Копьевга сўз берилади.

— Ленин партияси билан Совет давлатининг атоқли арбоби, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи Юрий Владимирович Андроповнинг юраги уришдан тўхтаганлигини англаш оғир, — дейди у. — У ўз ҳаёти ва фаолиятини ишчилар синфи, бутун халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қилишга батамом бағишлади. Мана шундай тўла фидокорликда, Ленин ишига, коммунизм идеалларига чексиз содиқликда унинг орзуни конкрет амалий вазифаларни ҳал этиш билан қўшиб олиб бора олган Ленин мактаби раҳбарига хос фазилатлари ёрқин намоён бўлди.

Пойтахт станоксозлари Ю. В. Андропов билан бултур январь ойида заводда бўлиб ўтган учрашувларини яхши эслайдилар, деди нотиқ. Партия ва давлат раҳбари завод асосий цехларининг иши ва маҳсулоти билан танишди, ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар билан суҳбатлашди. Ана шу суҳбатлар чоғида ва меҳнаткашларнинг вакиллари билан ўтказилган якунловчи учрашувда корхонани ишлаб чиқариш ва социал жиҳатдан янада ривожлантириш масалалари, партия ташкилоти билан барча меҳнаткашлар олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Заводдагилар Ю. В. Андроповнинг ана шу суҳбатлар вақтида берган конкрет маслаҳатлари ва тавсияларини ҳаракат учун қўлланма, деб қабул қилдилар. Коллектив берган ваъдасига шараф билан амал қилмоқда: у беш йиллик учинчи йили топшириғини муддатидан илгари адо этди, шу йил учун муқобил план қабул қилди. Мазкур планда меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1,6 процент оширишга ва маҳсулот таннархини қўшимча равишда 0,75 процент арзонлаштиришга эришиш кўзда тутилган. Станоксозлар ишлаб чиқаришни тобора кўпроқ интенсивлаш, бошқарувни такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш йўлларини сабот билан изламоқдалар.

Мана шу умумхалқ мусибати кунларида, деб таъкидлашди шлифовкачилар бригадири, СССР Давлат мукофоти лауреати В. Степина, 11-цех катта мастери В. Емельянов, 17-йиғув цехининг бошлиғи К. Мешчанкин, совет кишилари Коммунистик партия теварагида яна ҳам маҳкамроқ жипслашмоқдалар. Фидокорона меҳнат билан Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашни ўзларининг энг муҳим бурчи деб ҳисобламоқдалар.

Москвадаги «Серп и Молот» металлургия заводи навли прокат цехининг қизил бурчагида Ю. В, Андроповнинг мотам ҳошиясидаги портрети, унинг олдида эса янги очилган гуллар турибди. Корхона турли бўлинмаларининг вакиллари Ленин партияси билан Совет давлати атоқли арбобининг хотирасини ҳурмат билан эсга олиш учун бу ерга келдилар.

—Москва меҳнаткашлари оғир жудоликдан бутун совет халқи билан бирга мотам тутмоқдалар, — деди навли прокат цехининг вальцовкачиси III ва II даража Шуҳрат орденларининг кавалери А. Малишев. — Ҳаёти ва фидокорона меҳнати коммунистик ғоялар тантанаси учун курашга бағишланган инсон энди орамизда йўқлигини англаш аламлидир. Биз, ишчилар, Юрий Владимирович Андроповга самимий меҳр-муҳаббат ва ҳурматимизни изҳор этиб келдик. Коммунист ҳаётдан кўз юмди. Аммо у ўзини батамом бағишлаган иш давом эттирилмоқда. Барча совет кишилари КПССнинг ленинча йўлини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини билдирмоқдалар. Мана шу қайғули кунларда ҳам биз жонажон партия теварагига яна ҳам маҳкамроқ жипслашамиз, собитқадам меҳнат билан халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятлар бажарилишини, улуғ Ватаннинг янада равнақ топишини таъминлаймиз.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони мастер Б. Чуканов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони пўлат қуювчи В. Клюев ва бошқа нотиқлар таъкидлаб ўтишганидек, ўзларининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига содиқ бўлган Москва металлурглари партиянинг меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш борасидаги топшириқларини амалга ошириш учун бутун кучларини сарфлайдилар.

Ленинград шаҳри ва областининг меҳнаткашлари КПСС билан Совет давлатининг атоқли арбоби, социалистик Ватаннинг оташин ватанпарвари Ю. В. Андропов вафот этганлиги сабабли барча совет кишилари билан бирга ғоят қайғурмоқдалар.

— Юрий Владимирович совет кишиларининг бахт-саодати ва фаровонлиги йўлидаги самарали фаолияти билан, тинчлик учун, термоядро уруши хавфини тугатиш учун олиб борган тинимсиз кураши билан халқнинг ғоят чуқур иззат-ҳурмати ва меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди, — деди «Киров заводи» бирлашмаси меҳнаткашлари митингида йиғувчи слесарлар бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Захаров. — Юрий Владимировичнинг Ватанни янада равнақ топтириш тўғрисидаги ғамхўрлик билан тўлиб-тошган ўй-фикрлари ва ишлари биз, ишчиларга тушунарли ва яқин эди. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлаймиз, яна ҳам самаралироқ ишлаймиз, бутун кучимиз, тажрибамиз, билим ва маҳоратимизни КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга бағишлаймиз.

Митингда сўзга чиққан корхона бош инженерининг ўринбосари А. Ченцов, комсомол комитети секретарининг ўринбосари А. Котова, бирлашма бош директори Б. Муранов Юрий Владимирович Андропов меҳнат аҳлининг эҳтиёжларини яхши билган принципиал ва камтар инсон сифатида коммунистлар, барча совет кишиларининг хотирасида ҳамиша сақланиб қолажаги тўғрисида гапирдилар. «Киров заводи» бирлашмасининг коллективи, деб таъкидланди нутқларда, шу йил ва беш йиллик топшириқларини бажариш учун, Юрий Владимирович Андропов ҳаётини бағишлаган ва курашган буюк мақсадларни амалга ошириш учун сабот билан курашаверади.

(Давоми иккинчи бетда).

## ҲАМИША ПАРТИЯ БИЛАН БИРГА

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари чуқур қайғуда. Оғир жудолик — Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, социалистик Ватаннинг оташин ватанпарвари, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи Юрий Владимирович Андроповнинг вафоти муносабати билан республикада мотам митинглари давом этмоқда.

Республика саноат корхоналари ва қурилишларининг, ташкилотлари ва муассасаларининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси теварагида яна ҳам маҳкамроқ жипслашишга азму қарор берганликларини изҳор этмоқдалар. Улар партия раҳбарлигида унинг ленинча йўлига, КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари белгилаган йўлга муттасил амал қилишга тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

* * *

Станоклар узра мотам байроқлари қуйи эгилган, Юрий Владимирович Андроповнинг портрети қора лента билан ўраб қўйилган. «Ташкенткабель» заводи каротаж кабеллар цехининг жуда катта корпуси одамлар билан лиқ тўлган — заводнинг барча ишчилари бу ерга митингга келишган.

— Мамлакатимиз, бутун совет халқи қайғули кунларни бошдан кечирмоқда — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андропов ҳаётдан кўз юмди,— деди митингда сўзга чиққан ишчи Ю. Сиваченко. — Унинг бутун ҳаёти — Ватанга, Ленин ишига, партия ишига астойдил хизмат қилиш намунасидир. Юрий Владимирович Маркс — Энгельс — Ленин таълимотига чексиз содиқ, принципиал ва камтар, меҳнат аҳлига яқин, уларнинг эҳтиёжлари ва ташвишларига сезгир инсон сифатида коммунистларнинг, барча кишиларнинг хотирасида ҳамиша сақланиб қолади.

Бригадир С. Муҳамадхўжаев, цех бошлиғи Л. Дергачев, митингнинг бошқа қатнашчилари Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетига бошчилик қилган вақтида партия XXVI съезд йўлига амал қилиб, мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг барча йўналишларида дадил олға силжишини таъминлаганлиги тўғрисида гапирдилар.

«Ташкенткабель» коммунистлари, барча ишчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан КПСС, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида ўз сафларини янада маҳкамроқ жипслаштиришга, шу йилги ва умуман беш йилликнинг план топшириқлари ҳамда мажбуриятлари сўзсиз бажарилишини таъминлашга, зарбдор меҳнат билан Ватан қудратини мустаҳкамлашга азму қарор берганликларини якдиллик билан изҳор этдилар.

* * *

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик бирлашмасида бўлиб ўтган мотам митингида бош фабриканинг юзлаб ишчилари, инженерлари, мастерлари, ҳамма бўлимларнинг вакиллари иштирок этдилар.

— Юрий Владимирович Андропов ўзининг бутун кучи ва билимини, жуда катта ҳаёт тажрибасини коммунизм ғояларининг тантанаси учун, бинобарин эса халқлар фаровонлиги, бутун инсониятнинг бахт-саодати учун курашга бағишлади, — деди мастер З. Сулаймонова, — Шу боисдан ҳам бу атоқли раҳбарнинг, тинчлик учун матонатли курашчининг вафоти миллион-миллион кишилар учун оғир жудолик бўлди.

(Давоми иккинчи бетда).

## ВЕТЕРАН СЎЗИ

Ўрток Ю. В. Андропов энди орамизда йўқлигига ишониш қийин. Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, Совет давлати доно раҳбарчининг юраги уришдан тўхтади. Бутун ҳаёти сўнгги дамларигача Ватан қудратини мустаҳкамлаш ва уни равнақ топтириш учун, ўз халқининг бахт-саодати учун, бутун дунёда тинчлик учун курашишга бағишланган инсон орамиздан кетганлигини англаш аламлидир.

Биз, партия ветеранлари, Юрий Владимировичнинг бевақт вафотидан айниқса қаттиқ қайғурмоқдамиз. Ахир у кекса ленинчи коммунистларга нисбатан чинакам оталарча ғамхўрлик ва эътибор билан муносабатда бўлганлиги, уларнинг фикри ва маслаҳатига сезгирлик билан қулоқ солганлиги ҳаммага маълум. Ветеранлар кўп жиҳатдан Юрий Владимирович туфайли хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда, совет кишиларининг ёш авлодини тарбиялашда яна ҳам активроқ иштирок эта бошладилар. Зотан биз Ю. В. Андроповнинг даъватига амал қилиб, ўз тажрибамизни бундан буён ҳам ёшларга ўргатаверамиз.

Биз чуқур мотам тутиб, Юрий Владимирович билан видолашмоқдамиз. Аммо унинг тўғрисидаги эзгу хотира қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Р. УСМОНОВ,
1919 йилдан КПСС аъзоси.

# Юрий Владимирович АНДРОПОВ



Союзлар уйининг Колонна залида. ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

## ҲАМИША ПАРТИЯ БИЛАН БИРГА

(Боши биринчи бетда).

Бригадир Л. Турдиева минбарга чиқади.

— Партиямиз Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати халқни онглилик ва уюшқоқликни, юксак коллективчилик фазилатини янги куч билан намойиш қилишга даъват этмоқдалар, — дейди у. — Дунёдаги вазият мураккаб, бизнинг ишларимиз кўп. Ўртоқ Ю. В. Андропов қилганидек, Ленин партияси таълим бераётганидек, ҳамма нарсани социалистик Ватан манфаатларига бўйсундириш керак. Ҳозир ҳар биримиздан шу нарса талаб этилмоқда. Ҳозирги қайғули дамларда ҳар бир ишчи сўз бериб айтадики, КПСС XXVI съезди белгилаган барча режалар, халқнинг фаровонлигини ошириш, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча ишлар совет кишиларининг меҳнати ва иродаси билан бажарилади.

* * *

Тошкент тепловоз депосининг меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурматладилар.

Бу ерда мотам митинги бўлди.

— Юрий Владимирович Андроповнинг вафоти ҳақидаги қайғули хабар қалбларимизни зирқиратиб юборди, — деди партия ташкилотининг секретари Э. Погребняк. — Биз қалби дарё инсондан, ўзининг бутун кучини халққа хизмат қилишга, коммунизм қурилиши ишига бағишлаган партиямиз ва давлатимиз атоқли арбобидан жудо бўлдик. Биз бутун мамлакатда темир йўл транспорти ишини яхшилаш унинг фаолияти билан боғланганлигини биламиз.

Митингда сўзга чиққан нотиқлар Юрий Владимирович Андропов шахсан камтар, ўзига ва бошқаларга нисбатан зўр талабчан, одамларнинг эҳтиёжларига сезгир ва меҳрибонлиги туфайли ҳамманинг чуқур ҳурматига сазовор бўлганлигини таъкидладилар. Жонажон Ватан бахт-саодати йўлидаги зарбдор меҳнатимиз унга яхши ёдгорлик бўлади. Бутун совет халқи сингари депо меҳнатчилари ҳам КПСС билан Совет ҳукуматининг тинчликсевар йўлини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаяжакларини, ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб юборажакларини бутун коллектив номидан айтдилар. (ЎзТАГ).

## ХАЛҚҚА БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ

(Боши биринчи бетда).

«Пластполимер», «Ленинград металлургия заводи» бирлашмаларида, А. А. Жданов номли университетда, «Пашский» совхозида, бошқа коллективларда ҳам кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди.

Ю. В. Андроповнинг вафоти Карелия меҳнаткашларини ғоят чуқур қайғуга солди. Петрозаводск ТЭЦида бўлиб ўтган мотам митингида смена бошлиғи И. Басов, катта машинист А. Савин, Октябрь район партия комитетининг секретари Ю. Пономарев, машинист С. Крикунов ҳозирги замоннинг атоқли сиёсат ва давлат арбоби, Ленин типидаги раҳбар, партия билан халқнинг содиқ фарзанди ҳаётдан кўз юмганлигини айтдилар.

Сўзга чиққан кишилар Юрий Владимирович Улуғ Ватан уруши йилларида биргаликда олиб борилган жанговар ишлар орқали ҳамда халқ хўжалигини тиклаш давридаги меҳнат фронтида шимолликларга яхши маълум бўлганлигини қайд этиб ўтдилар. Мамлакат Шимоли-Ғарбида партизан ҳаракатининг раҳбарларидан бири бўлган Юрий Владимирович суронли синов йилларида зўр ташкилотчилик қобилиятини, мардлик ва матонатни, душманлар устидан ғалабага бўлган қатъий иродани намойиш қилди.

Юрий Владимировичга ҳамиша шахсий камтарлик ҳамда ўзига ва бошқаларга нисбатан юксак талабчанлик, одамларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор ва сезгирлик билан муносабатда бўлиш фазилатлари хос бўлиб, уни халқнинг меҳр-муҳаббати ва ҳурматига сазовор этди.

Карелия меҳнаткашлари коммунистлар ленинчи партияси теварагига яна ҳам маҳкамроқ жипслашадилар, фидокорона меҳнатлари билан Ватан қудратини мустаҳкамлайдилар, дейишди «Карелстройтранс» бирлашмаси, Кондопож ва Сегежа целлюлоза-қоғоз комбинатларининг коллективларида, автоном республиканинг бошқа кўпгина корхоналарида бўлиб ўтган митингларнинг қатнашчилари.

— Совет кишилари одамлар тинчлиги ва бахт-саодати йўлидаги толмас курашчи Юрий Владимирович Андроповни, унинг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга, ядро ҳалокатининг олдини олишга қаратилган фаолиятини ҳамиша ёдда тутадилар, — деди Владивосток денгиз савдо порти партия комитетининг аъзоси Т. Гук. — Бизнинг Ватан бахт-саодати йўлидаги зарбдор меҳнатимиз Юрий Владимирович тўғрисидаги энг яхши хотира бўлади.

Докер-механизаторлар комсомол-ёшлар бригадасининг комсорги К. Мартьянов, уруш ва меҳнат ветерани Б. Гервазюк ва бошқалар жонажон партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига бузилмас садоқат тўғрисида, Совет давлати тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини қизғин қўллаб-қувватлаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Приморьенинг сузувчи балиқ заводларида, корхоналари, ўқув юртларида ҳам мотам митинглари бўлиб ўтди.

Смоленск областидаги «Дугино» наслчилик заводининг ходимлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андропов хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар. Бу ерда мотам митинги бўлиб ўтди.

— Партия ва халқимиз катта жудоликка учради — Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, коммунизм идеаллари учун, тинчлик учун матонатли курашчи Ю. В. Андропов ҳаётдан кўз юмди, — деди тракторчи В. Григорьев. — Юрий Владимирович КПСС Марказий Комитетига қисқа муддат бошчилик қилди, лекин партия шу муддат ичида мамлакат экономикаси ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун кўп ишлар қилди.

Митингда сўзга чиққан наслчилик заводининг директори А. Белашкин, мактаб директори А. Трофимов, партия комитетининг секретари В. Пегушев Ю. В. Андропов хотирасини ҳурмат билан эслаб, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини батамом қўллаб-қувватлаётганликлари тўғрисида гапирдилар, зарбдор меҳнат билан Ватан қудратини мустаҳкамлашга даъват этдилар.

— Партиямиз ва бутун совет халқи оғир жудоликка учради, — деди мотам митингида «Южно-Сахалинская» шахтаси партия комитетининг секретари Ю. Бимашев, — Буюк Ленин ишининг содиқ давомчиси, атоқли давлат арбоби, бутун дунёда тинчлик учун толмас курашчи Юрий Владимирович Андропов ҳаётдан кўз юмди.

У партия ва давлат раҳбари юксак лавозимларида туриб экономикамизни янада ривожлантириш, совет халқи фаровонлигини яхшилаш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Қайғу-аламимиз катта бўлса-да, жонажон Коммунистик партия теварагида янада маҳкамроқ жипслашамиз, мўлжалланган режаларни шараф билан адо этамиз.

Улан-Уде локомотив вагонремонт заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Ю. В. Андроповнинг хотирасига бағишланган митингга келдилар.

Механика цехининг слесари А. Балданов ҳамкор ўртоқларини жонажон Коммунистик партия теварагида янада қаттиқроқ жипслашишга, меҳнат интизоми ва жамоат интизомини янада баланд кўтаришга, ҳалол ва виждонан меҳнат қилиб, халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилишини таъминлашга, совет Ватанининг янада равнақ топишига салмоқли ҳисса қўшишга даъват этди.

Митингда сўзга чиққан кран юргизувчилар бригадири И. Бузина, ишчи М. Сордонова, слесарь К. Линкинчук, КПСС Бурятия область комитетининг биринчи секретари А. Беляков меҳнат коллективлари совет Ватанимиз янада гўзал бўлмоғи учун яхшироқ, унумлироқ, ҳамма куч-қувватларини сарфлаб ишлашга аҳд этганликлари тўғрисида гапирдилар.

Украинадаги кекса олий мактаблардан бири — Иван Франко номидаги Ленин орденли Львов давлат университетининг студентлари ва муаллимлари қайғу-алам билан сукут сақлаб мотам митингига келдилар.

— Совет ёшлари учун Юрий Владимирович Андроповнинг ҳаёт йўли ҳамиша партия ва халқ манфаатларига фидокорона хизмат қилиш ёрқин тимсоли бўлиб қолади, — деди студент қиз А. Сладик. — Ленин типидаги раҳбар Ю. В. Андропов ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга катта эътибор берди, совет жамияти ҳаётида комсомолнинг ролини ошириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилди.

Митингда сўзга чиққан Львов область партия комитетининг биринчи секретари В. Добрик, университет ректори В. Чугуев, 1924 йилдан бери КПСС аъзоси доцент И. Лучицкий ва бошқалар Ю. В. Андроповнинг порлоқ хотирасини ҳурмат билан эслаб, коммунистлар, барча совет халқининг Ленин партиясига астойдил садоқати тўғрисида, унинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Тбилисидаги «Центролит» заводи барча хизматлари ва бўлинмаларининг вакиллари мотам митингига йиғилди.

— Юрий Владимирович Андропов вафот этганлиги тўғрисидаги қайғули хабар қалбларимизни ўртаб юборди, — деди стерженчилар бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Г. Куртанидзе. — Биз барча совет халқи учун шу оғир дамларда жонажон Коммунистик партия теварагида янада қаттиқроқ жипслашишимиз, партия режаларини амалга ошириш йўлида янада кўпроқ куч-ғайрат сарфлашимиз керак.

Митингда сўзга чиққан металл қуювчи Т. Гамжашвили, партия ветерани В. Бединешвили ва бошқалар коммунизм идеаллари учун матонатли курашчи порлоқ хотирасини эслаб, Ю. В. Андроповнинг кўп қиррали фаолияти тўғрисида гапирдилар ва у партиянинг иқтисодий, социал-сиёсий стратегиясини ишлаб чиқиш ва халқ фаровонлигини юксалтириш йўлини амалга оширишда катта роль ўйнаганлигини айтдилар. Юрий Владимировичнинг партиямиз ташқи сиёсатини — кескинликни юмшатиш ва тинчлик, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик сиёсатини муттасил ўтказишдаги хизматлари таъкидланди.

Мотам митингининг қатнашчилари бир дақиқа сукут сақлаб, Ю. В. Андропов хотирасини ҳурмат билан эсладилар.

Боку кондиционерлар заводининг ишчилари ва хизматчилари Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, коммунизм идеаллари учун, тинчлик учун матонатли курашчи Ю. В. Андропов хотирасини ҳурмат билан эслагани корхона бош ишлаб чиқариш корпусидаги митингга келдилар.

— Ҳаёти ва фаолияти партиянинг буюк ишига, халқнинг бахт-саодати учун курашга тамомила бахшида этилган инсон — Юрий Владимирович сиймоси хотирамизда доимо қолади, — деди қолиплаш цехининг пайвандчиси Н. Жабборов. — Юрий Владимирович меҳнат таржимаи ҳолини ишчиликдан бошлаб, меҳнат аҳлига ҳамиша яқин эди. Социалистик Ватан фаровонлиги йўлида зарбдор меҳнат қилиш унинг тўғрисида энг яхши хотира бўлиб қолишини биз, Советлар мамлакатининг ишчилари яхши англаймиз. Шу мотам кунларида заводимизнинг коллективи Ватанимиз янада кучли ва гўзалроқ бўлиши, унинг иқтисодий ва мудофаа қудрати муттасил мустаҳкамланиб бориши учун ўзининг ватанпарварлик бурчини икки баравар ғайрат билан бажаради, деб жонажон партияга ваъда беради.

Кишинев тракторсозлик заводи меҳнаткашларининг мотам митингида Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан чуқур қайғу сўзлари янгради.

— Оғир жудоликка учрадик. Ўзининг бутун ташкилотчилик талантини, бутун сиёсий донолигини коммунистик бунёдкорлик ишига сарфлаган киши ҳаётдан кўз юмди, — деди ремонт-механика цехи партия ташкилотининг секретари Е. Янин. — КПСС XXVI съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини муваффақиятли амалга ошириш Ю. В. Андропов тўғрисида энг яхши хотира бўлади. Янада яхшироқ меҳнат қилиб, уюшқоқликни оширамиз, меҳнат интизомини мустаҳкамлаймиз.

Ю. В. Андропов порлоқ хотирасига бағишланган мотам митинглари Молдавиянинг кўпгина меҳнат коллективларида бўлиб ўтди.

Рига портида турган совет теплоходларининг, социалистик мамлакатлар кемаларининг мачталаридаги байроқлар қуйи эгилган. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андропов вафоти тўғрисидаги хабар денгизчилар ва порт ишчиларини чуқур қайғуга солди. Латвия денгиз пароходчилигининг «Юрий Авот» теплоходида экипаж аъзоларининг мотам митинги бўлди.

— Ватанимиз учун қайғули шу дамда биз, денгизчилар бутун совет халқи сингари жонажон Коммунистик партия теварагида янада маҳкамроқ жипслашамиз, — деди механик В. Цеплис. — Содиқ ленинчи, Коммунистик партия ва совет халқининг атоқли арбоби Юрий Владимирович Андроповнинг хотираси қалбимизда абадий сақланади.

«Сена», «Ирбитлес» теплоходларида, Рига портида турган бошқа кўп кемаларда ҳам мотам митинглари бўлиб ўтди.

Тожикистондаги Бойпаза ГЭСи қурилиш майдонида мотам митинги бўлди.

— Юрий Владимирович Андроповнинг порлоқ сиймосини дилимизда ҳамиша сақлаймиз, — деди бригадир С. Сафаров. — У совет экономикасини ривожлантиришга, мамлакат Энергетика программасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга катта ҳисса қўшди. Биз эса фидокорона меҳнатимиз билан унинг ишини давом эттирамиз.

Митинг қатнашчилари Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатида яна бир бор тасдиқланган КПСС ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини қатъий қўллаб-қувватлаётганлик л арини айтдилар.

(ТАСС).

## ПЛАНЕТА МОТАМ ТУТМОҚДА

Чет эл оммавий ахборот воситалари турли мамлакатларнинг давлат арбоблари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг намояндалари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг вафоти муносабати билан таъзия билдирмоқдалар. Ю. В. Андроповнинг ҳаёти партия ва халқ манфаатларига, улуғ Ленин ишига садоқат билан хизмат қилиш намунасидир. Чет эл матбуоти КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатини кенг шарҳлаб, КПСС билан Совет давлати тинчтотув яшаш принципларини бундан буён ҳам қатъият ва изчиллик билан амалга ошираверадилар, барча мамлакатлар билан тинчликда яшашга интилаверадилар, деб таъкидлайди.

Ю. В. Андроповнинг вафоти муносабати билан Софияда БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг фавқулодда мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда БКП Марказий Комитети Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков нутқ сўзлаб, КПСС билан Совет давлатининг атоқли арбоби, коммунизм идеаллари учун, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатлик учун оташин курашчи Ю. В. Андропов социалистик ҳамдўстликни, КПСС билан БКП, СССР билан БХР ўртасидаги қардошларча дўстликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганлигини таъкидлади. **БКП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси** Болгария Компартияси ривожланган социалистик жамият барпо этиш учун, тинчлик ва коммунизм идеалларининг тантанаси учун курашда БХР билан СССР ўртасидаги, болгар халқи билан улуғ совет халқи ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш ва яқинлашишдан иборат ҳаёт синовидан ўтган йўлга бундан буён ҳам амал қилаверажагини якдиллик билан тасдиқлади.

**ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг** мажлиси Ю. В. Андроповнинг хотирасини ҳурмат билан эсга олди. Варшавада эълон қилинган ахборотда, Сиёсий бюро Ю. В. Андроповнинг коммунистик ҳаракат олдидаги жуда катта хизматларини, унинг халқлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантириш ва халқаро ҳавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасидаги зўр куч-ғайратларини қайд этиб ўтганлиги таъкидланади. ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси қардош социалистик мамлакатларнинг бирлигини мустаҳкамлашга, Польша—Совет дўстлиги ва ҳамкорлигини ривожлантиришга Ю. В. Андропов қўшган шахсий ҳиссага юксак баҳо берди.

**ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф** ГДР Министрлар Советининг Ю. В. Андропов хотирасига бағишланган фавқулодда мажлисида нутқ сўзлаб бундай деди: «Унинг номи тинчлик, социализм ва ижтимоий тараққиёт учун, бутун дунёдаги меҳнаткашларнинг бахт-саодати учун курашдаги тинимсиз куч-ғайратлар билан боғлиқдир. ГДР ҳукумати ва меҳнаткашлари Ю. В. Андропов хотирасини сақлаб қоладилар, ўзларининг бутун кучини социализмни янада мустаҳкамлаш ва тинчликни таъминлаш ишига сарфлайдилар».

Венгриянинг **«Непсабадшаг»** газетаси ёзади: «Ю. В. Андроповнинг бутун фаолияти совет халқининг мамлакатни равнақ топтириш учун, инсониятнинг энг яхши келажаги учун курашдаги ғоят зўр куч-ғайратлари билан чамбарчас боғлиқ эди. Совет раҳбари катта тажрибага эга бўлган сиёсатчи коммунист бўлиб, халқаро қўламда эътироф этилган ва юксак ҳурматга сазовор бўлган эди. Халқаро майдонда ҳам, ички сиёсат соҳасида ҳам сўз билан ишнинг бирлиги совет партия ва давлат раҳбарларининг йўлига хос хусусиятдир. Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетига бошчилик қилиб турган вақт ичида, партия XXVI съезди йўлига амал қилиб, уни ижодий бойитиб, мамлакатнинг иқтисодий ва социал тараққиёти барча йўналишларида дадил олға силжишини таъминлади. Ю. В. Андроповнинг вафоти ҳозирги пайтда коммунистик жамият қурилишининг улуғвор вазифаларини ҳал этаётган совет халқи учунгина эмас, шу билан бирга бутун социалистик ҳамдўстлик учун, тинчлик ва социализм йўлида курашаётган Ер юзидаги барча кишилар учун ҳам катта жудоликдир».

Чехословакиянинг барча марказий газеталари мотам ҳошияси билан чиқди. «Ю. В. Андропов ўз фаолиятида Советлар мамлакатини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, КПССнинг етакчилик ролини ўстириш, совет жамиятининг сиёсий системасини янада такомиллаштириш, янги инсонни тарбиялаш актуал масалаларини ҳамиша олдинги ўринга қўйиб келди, — деб ёзади **«Руде Право»** газетаси. — Совет Иттифоқининг Ю. В. Андропов олға сурган конструктив тинчликсевар ташаббуслари бутун дунёда зўр қизиқиш билан кутиб олинди ва кутиб олинмоқда. КПСС билан Совет давлати Ю. В. Андропов раҳбарлигида халқаро майдонда ленинча ташқи сиёсий йўлни—термоядро уруши хавфини тугатишга, империализмнинг агрессив кирдикорларига қатъий зарба бериш, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган йўлни изчиллик ва матонат билан амалга ошириб келдилар».

Вьетнамда чиқадиган **«Нян зан»** газетасининг редакцион мақоласига «Қардош совет халқининг қайғусига ҳамдардмиз» деган сарлавҳа қўйилган. ВКП Марказий Комитетининг органи қуйидагиларни ёзади: «Юрий Владимирович Андропов ўзининг бутун ҳаётини, бутун кучи ва қобилиятини социализм тантанаси ва коммунизм қурилиши, социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш, ҳозирги замоннинг юксак идеаллари—планетада тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм идеаллари йўлида улуғ Ленин ишига хизмат қилишга бағишлади. Ю. В. Андропов партия ва Совет давлати раҳбари лавозимида туриб, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ҳамда КПСС Марказий Комитети билан бирга ўзининг бутун куч-ғайратини КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишга, Совет мамлакатининг иқтисодий ва мудофаа қудратини доимо мустаҳкамлаш, совет халқининг фаровонлигини ошириш билан боғлиқ ғоят муҳим вазифаларни бажаришга сарфлади. Ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатга, 80-йилларга мўлжалланган Тинчлик программаси ғояларига содиқ бўлган Ю. В. Андропов кенг кўламдаги ташаббуслар комплексини олға сурдики, бу ташаббуслар бугунги кунда ҳам тинчлик кучларини Америка империализмининг милитаристик сиёсатига қарши, Ер юзида тинчлик ва ҳаёт учун курашга илҳомлантирмоқда».

**МХРП Марказий Комитети, МХР Буюк Халқ Хурали Президиуми ва МХР Министрлар Советининг** расмий ахборотида қуйидагилар айтилади: КПСС билан Совет давлатининг атоқли арбоби, коммунизм ва тинчлик иши учун толмас курашчи, содиқ марксчи-ленинчи Юрий Владимирович Андроповнинг порлоқ хотираси монгол халқи қалбида ҳамиша сақланиб қолади. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлашга, халқларнинг озодлик ва мустақиллик йўлидаги курашини қўллаб-қувватлашга Ю. В. Андропов қўшган ҳисса каттадир. КПСС билан Совет давлати хатарли равишда кескинлашиб кетган ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда ҳам тинчлик ишини изчиллик билан ҳимоя қилишни, вазминлик ва ҳушёрлик кўрсатишни, империализмнинг ғаламисликдан иборат режаларини қатъиян барбод этишни, мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашни ўзининг энг биринчи бурчи деб ҳисобламоқда.

Хитойнинг **Синьхуа** агентлиги ўзининг Москвадаги мухбири юборган хабарни эшиттирди. Хабарда жумладан қуйидагилар айтилади:

«КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Мурожаатида, Ю. В. Андропов Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Совет давлатининг атоқли арбоби бўлганлиги айтилади. Унинг раҳбарлигида партия билан халқнинг куч-ғайратлари экономикани ривожлантиришни жадаллаштиришга, халқ хўжалигини бошқаришни яхшилашга, партия интизоми, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, кадрларнинг масъулиятини оширишга, омманинг ижодий активлигини ривожлантиришга қаратилди... Мурожаатда Совет Иттифоқи барча мамлакатлар билан тинчликда яшашни, тинчлик йўлида ҳалол ва амалий ишлашга тайёр бўлган ҳукуматлар ва ташкилотлар билан актив ҳамкорлик қилишни хоҳлаётганлиги ҳам айтилади».

Совет раҳбари вафот этганлиги муносабати билан СССРга ва унинг халқига француз халқи номидан самимий ҳамдардлик изҳор этаман, деди Афинада Франция президенти **Ф. Миттеран.** Гарчи мен Ю. В. Андропов билан шахсан учрашишимга тўғри келмаган бўлса-да, унинг забардаст шахс эканлиги тўғрисида гап эшитганман.

Совет раҳбари Ю. В. Андропов ташқи сиёсат соҳасида астойдил тинчлик тарафдори эди, деди Греция Бош министри **А. Папандреу.** Ички ҳаётдаги жуда муҳим ўзгартишлар ҳам унинг раҳбарлигида бошланган эди. Шу боисдан унинг вафоти ғоят оғир жудоликдир.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг вафоти — Совет Иттифоқи учун ҳам, шунингдек умуман, халқаро сиёсий ҳаёт учун ҳам оғир жудоликдир, деди Австрия федерал канцлери **Ф. Зиновац.** Совет раҳбари тинчлик тарафдори эканлигини қайта-қайта таъкидлаб, бунда муросага эришишга тайёр эканлигини намойиш қилиб келди. У мамлакат ичкарисида ва чет элларда ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди.

**«ГФР ҳукумати** Ю. В. Андропов вафот этганлиги муносабати билан таассуф билдиради, — дейилади ГФР ҳукумати расмий вакили Ю. Зудхофнинг баёнотида. — Ғарбий Германия президенти, канцлери ва ташқи ишлар министри Совет раҳбарларига ўз таъзияларини изҳор этдилар. Ю. В. Андропов сиймосида СССР атоқли давлат ва сиёсий раҳбаридан жудо бўлди».

«Ядровий қуролланиш пойгасининг олдини олиш Ю. В. Андропов ташқи сиёсий фаолиятининг асосий мақсади эди, — деб таъкидлайди Англиянинг **«Морнинг стар»** газетаси. — У экономикани ривожлантириш проблемаларига зўр эътибор берди, бу эса каттагина ижобий натижаларга эришишга олиб келди. Жумладан, саноат ва қишлоқ хўжалигида самарадорлик ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишга, меҳнат интизомини кучайтиришга эришишга муваффақ бўлинди.

Финляндиянинг **«Кансан уутисет»** газетаси ёзади: «Ю. В. Андроповнинг партия ва давлат раҳбари лавозимидаги фаолияти империалистларнинг агрессив сиёсати натижасида халқаро вазият анча кескинлашиб кетган бир даврга тўғри келди. У ядро ҳалокати хавфидан доимо огоҳлантириб, ўзининг бутун фаолияти билан кучларни ана шу хавф-хатарга қарши курашда жипслаштиришга интилиб келди. Ю. В. Андропов Совет—Финляндия самарали ҳамкорлигини ривожлантиришга зўр мадад берди».

Американинг «Эн-Би-Си» телекомпанияси янгиликларни эшиттиришдан олдин, Қизил майдонда суратга олинган ва байроқлар қуйи эгиб қўйилган кадрларни кўрсатди. Ана шу кадрлар фонида Москва радиосининг диктори Ю. В. Андроповнинг вафоти тўғрисидаги ахборотни ўқиётган эди. «Совет кишилари Ю. В. Андроповнинг вафотидан чуқур ва астойдил қайғурмоқдалар», — дейилади Американинг бошқа бир **«Эй-Би-Си»** телекомпаниясининг Москвадан берган репортажида.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Юрий Владимирович Андропов ядро уруши хавфини батамом англаётган сиёсий арбоб эди, деди Американинг таниқли сиёсий арбоби, АҚШнинг СССРдаги собиқ элчиси **А. Гарриман.** У махсус баёнотда Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан бутун совет халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Шу кунларда Ҳиндистонда чуқур ва қайғули мотам ҳукм сурмоқда. Президент саройи ҳамда мамлакат штатлари ва иттифоқ территориялари қонун чиқарувчи мажлисларининг бинолари узра миллий байроқлар қуйи эгиб қўйилган, барча расмий тадбирлар бекор қилинган. Ҳиндистонда қалин дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари билан боғланган мамлакатнинг раҳбарига нисбатан зўр ҳурмат белгиси сифатида уч кунлик расмий мотам бошланди. «Ю. В. Андропов халқаро муносабатларнинг бутун комплексида ўчмас из қолдирди, деб уқтиради **«Пэтриот»** газетаси. — АҚШнинг иғволарликлари тўхтовсиз давом этиб турган оғир бир шароитда у қатъий ва самарали раҳбарликни таъминлади. Совет Иттифоқи унга қарши қаттиқ иқтисодий жазо чоралари кўрилганида ўз экономикасининг яшаш қобилиятини ҳам намойиш қилди. Ҳиндистон халқи учун Ю. В. Андропов Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ўзаро манфаатли муносабатлар давомийлигининг рамзи эди. Унинг вафоти барча ҳиндларнинг қалбини чуқур қайғу-аламга тўлдирди».

(ТАСС, 11 февраль).

